

Туман ҳокими ижтимоий соҳа объектлари билан танишди



Бугун Қумқўрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов ижтимоий соҳа объектлари билан танишиш мақсадида тумандаги “Жарқишлоқ” маҳалласида жойлашган Сайхон касб-ҳунар коллежи ҳамда Халқ таълими бўлимига қарашли 28-сонли умумтаълим мактабига ташриф буюрди.

Туман ҳокими ташриф давомида ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечираркан тегишли масъулларга муассаса атрофларини ободонлаштириш ва кўчат экиб боғ яратиш бўйича топшириқ берди.

Топшириққа асосан коллеж ҳудудини чиқиндилардан тозаланди, дарахтлар оқланиб ортиқча шохлари кесилди ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.